

БУТҶН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 19 (3757). Шанба, 27 январь 1968 йил. Баҳоси 2 тийин.

● А. Н. Косигин—Ҳиндистон меҳмони. Келес кенгликлариди. 1-БЕТ.

● Чет элликлар В. И. Ленин ҳақида. Партия ташкилотларида. Қишлоқ Совети раиси ҳикоя қилади. Хушхабарлар. 2-БЕТ.

● Горький асарлари ўзбек тилида. Шонли йиллар лавҳаси. Жаҳонда нима гап? Эртак ўқинг. 3-БЕТ.

● Оддий одамларнинг катта ишлари. Солдат ҳикояси. Қувноқ сатрлар. Студент ҳақ. 4-БЕТ.

ТУРКИСТОНЧИ ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Туркистон ҳарбий округининг XXV партия конференцияси Тошкентда икки кун давом этди. Конференцияда ҳар хил кўшни турларнинг вакиллари қатнашдилар. Делегатлар кўшнларнинг жанговар тайёргини ошириш соҳасидаги партиявий-сиёсий ишларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор қаратди. Туркистон ҳарбий округи кўшнларнинг кўмондони генерал полковник Н. Г. Лященко докладини тинглаб муҳокама қилдилар. Округ партия комиссияси иши тўғрисидаги ҳисобот ҳам муҳокама қилинди.

Конференцияда Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Р. Расулов, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. О. Овезов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов, СССР Мудофаа министрининг ўринбосари К. С. Москаленко сўзга чиқдилар.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Нарсидинова, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, Тошкент области партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдуразақов қатнашдилар.

Конференция округ партия комиссиясининг янги составини сайлади. муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Конференция қатнашчилари баланд руҳ билан Совет Иттифоқи Коммунистик партия Марказий Комитетига табрикнома қабул қилди. (ЎЗАТА).

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

ТУЯТЕНА. («Тошкент ҳақиқати» муҳбиридан). Шу кунларда Эрта Чирчиқ районининг қолхоз-совхозларида кўкламги экиш кампаниясига тайёргарлик ишлари кучайиб кетди. Пахтакорлар механизаторлар билан ҳамкорликда меҳнат қилиб, ҳар бир гектар ердан кўпроқ ҳосил етиштиришга пухта замин яратмоқдалар.

Колхоз ва совхозларда бўла-сангиз, деҳқонларнинг ериб-тўйдираётганликларини кўриб берад кузониб кетасиз. Далаларга маҳаллий ўғит чинариш керак. Жадал олиб борилмоқда. Бу ишда илгир кўчлар ва тракторлар, от-ўловлардан унумли фойдаланилмоқда. Қўйиб-шев номи колхозда ҳам экишга тайёргарлик яхши кетаяпти. Колхоз правлениесининг ташаббуси билан бу ерда ўғит ташини тезлаштириш юзасидан муҳим тadbир белгиланди. Хўжаликда Абдурашул Хонсаитов бошлиқ комплекс механизациялашган ўғит ташини звеноси ташкил этилди. Звено аъзолари 1-майга қадар ишни аҳоли ҳисобида олиб боришди. Даллага чиқарилган ўғитнинг тоннасига қараб ҳақ тўлаш амалга оширилмоқда.

Колхоз правлениеси хўжалик ҳисобида иш юрота бошлаган ўғит ташини звеносини ҳар тарафлама мустақамлади. Звенога тўртта трактор ва прицеп, битта бульдозер ва бошқа машиналар бериштирилди. Звено аъзолари ўғит ташини звеносининг аъзолари — дейди колхоз раиси Мираҳмад Қўчқоров.

Бутун куч ва гайратларини ишга солишган. Механизаторлардан унумли фойдаланишмоқда. Улар агрономнинг раҳбарлигида ишлаб, кам ҳосилли, ориз, шўрхок ва вилт билан зарарланган ерларни бириктиришга ўғитга тўйдиришга тайёр. Билингиз ишлаб чинариш планимига мувофиқ шундай ерларга 4000 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилиши керак. Абдуқўли Қўшқордаги чорвачилик фермасида бунчалик кўп ўғит йўқ. Ҳаммаси бўлиб 3000 тоннадан ошмайди. Шундай экан, қолганларини қаердан топиш керак? Звено аъзолари бунга дадил жавоб беришди. Қишлоқ марказидан анча узоқда бўлган қўйчилик фермасидаги ўғитларни ҳам ташиб келириб, ерга солашимиз дейишди. Бу бизга жуда маъқул бўлди. Уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватладик.

Биз мустақил ўғит ташини звеноси ташкил қилиш билан бирга ўтган йилга нисбатан анча кўп ўғитни далага чинариб, ҳосилдорлигини камида 35 центнерга етказишга аҳд қилдик.

Қўйибшев номи колхозда хўжалик ҳисобида ишлаётган комплекс механизациялашган ўғит ташини звеносининг ташкил этилиши катта аҳамиятга эга. Бу маҳаллий ўғитлардан кўпроқ ва самарали фойдаланиш имконини бермоқда. Бундай звенолар облатимизнинг бошқа колхоз ва совхозларида ҳам ташкил қилинса жуда яхши бўларди.

САМАРАДОРЛЕК

Бенободдаги металлургия заводининг механизация цехи коллективнинг илгирлари катта ҳисса қўшишди. Масалан, Ф. Полюйко мана 23 йилдирки, лардозлаш станогиди ишлаб келаяпти. У энг масъулиятли ишларни ҳам муваффақиятли адо этади.

Михайл Юшин ва Леонид Кан иккови бир сменада, бир станокда ишлашади. Алексей Крупени эса «300» стани учун деталлар ишлаб чиқаради. Бу уч илгирнинг номи корхонада ҳам маълум ва машҳур. Негаки, улар смена тошпирчиларини ҳамшиша 110—120 процент қилиб адо этишади, ҳамшиша сифатли маҳсулот тайёрлашади.

Цехдаги ҳамма ишчилар ўз маҳоратларини тобора ошириб бораётганлар. Қўрида яна 11 шогирдга разряд берилди.

Корхонанинг мартен ва прокат цехлари учун ердамчи тибсанган механизация цехи коллективни Ўзбекистон пулатини ишлаб чиқаришда ана шундай муносиб ҳисса қўшапти.

М. РҶЗИМАТОВ.

ДУСТОНА СУҲБАТЛАР

ДЕХЛИ. 25 январь. (ТАСС махсус муҳбири). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бугун Ҳиндистон республикасининг президенти доктор Зокер Хусайн хузурида бўлиб, у билан дустона суҳбатлашди.

А. Н. Косигиннинг ҳамроҳлари ва СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси Н. М. Петос у билан бирга бўлишди. Кейинроқ А. Н. Косигин Ҳиндистон Бош Министри Индира Ганди хузурига ташириб буюрди. Бўлиб ўтган суҳбат вақтида ҳар икки мамлакатни қизиқтирувчи масалалар тилга олинди. Суҳбат ошкора ва самимий вазиёта ўтди.

Қашқадарё область партия конференцияси

ҚАШҚАДАРЬ. 26 январь. (ЎЗАТА). Қашқадарё область партия конференцияси бўлиб ўтди. Унда область партия комитетининг ҳисоботи муҳокама қилинди.

Область партия комитетининг янги состави сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матзонов нутқ сўзлади. Бўлиб ўтган пленумда Р. Ф. Гомбов область партия комитетининг биринчи секретари қилиб, Т. Г. Светленко иккинчи секретари қилиб, Х. Р. Қўйбоқаров ва С. Л. Пудлошев секретарлар қилиб сайландилар.

ТЕХНИКА ҚИШЛОҚҚА

«ЎЗСЕЛЬХОТВЕХНИКА» республика бўлими ва бирлашмаларнинг базалари колхоз ва совхозларга керакли машиналарни жўнатишга киришди. Қўп юк орталмаданга автомобилларнинг биринчи туркуми йўлга чиқди. Бу автомобиллар машиналарнинг запас қисмлари, бинокорлик материаллари ортирилган. Заводлар автомобил, трактор ва комбайнларни тўғридан-тўғри хўжаликларга юбормоқдалар.

«Ўзсельхотехника» республика бўлимида ЎЗАТАГ муҳбирига қўйидагиларни ҳабар қилишди: беш йилликнинг учинчи йилида қишлоқ районларига юборилган техникаларнинг умумий миқдори кескин суратда ортади. Колхоз ва совхозлар 10,5 миң трактор олади. Қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар учун кучли ҳайдов тракторлар агрегатларининг катта бир туркуми тахт қилиб қўйилди.

Ўзбекистондаги кўпгина илгир колхозлар ер майдонларини яхшилаш, қўриқ ва партов ерларни қишлоқ хўжалик оборотида киритиш йўли билан экинзорларни кенгайтириш соҳасидаги ишларни бажариш учун ери текислаш отрядларини тузмоқдалар. Ана шу отрядлар учун неча юзлаб скреперлар, грейдерлар, кичик экскаваторлар, осма бульдозерлар акрилатиб берилди. Шолкозорларга 1,3 миң комбайн, бир вақт ичда уч хил ишни бажариладиган, яъни фақат ариқ қазиб, участкаларни текислайдиган ва пол оладиган неча юзлаб янги механизмлар юборилди. «Зангори кема»ларни ҳайдовчи механикларга кенг қаторларда ишловчи тўрт қаторли «14ХВ—2,3» маркали пахта териш машиналари юборилди.



Юқорида: Фарход Тошкент пластмасса заводининг пешқадим ишчилариди. У смена ва ойлик тошпирчиларини бир яриш бараваргача ошириб бажараяпти. Суратда: Фарход Қаймов иш устида.

М. Нуриддинов-фотос.



БЕКОВОД районидида Ленин номи колхоз пахтакорлари 1967 юбилей йилини барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш билан жуғуладилар. Улар беш йилликнинг учинчи йили тошпирчиларини ҳам муваффақиятли адо этиш учун кўкламги тайёргарлик ишларини ўзига давом эттирмоқдалар. Далаларни текислаш, гўнг ташиб чиқариш, техника ремонт ишлари жадал олиб борилмоқда. Суратда: илгир ремонтчи Бойжигит Саримсоқов экиш агрегатини созламоқда.

А. Абалян фотос.



ШАҲАР меҳнаткашларини қиш фаслида ҳам сабзавот билан мўл-кўл таъминлаш учун областимизда қатор тadbирлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда ўтган йили Қўйчиқ дегенда теплица комбинати ташкил этилди. Бу комбинат сабзавоткорлари ўз экин майдонидида муҳим вақфани бажариш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир теплицадан қўйлаб помидор ва бошқа сабзавот маҳсулотлари олиниб, шаҳарликларга жўнатилаётган. Эди дастурхонини мўл-кўл таъминлашда комбинат ишчиси Лутфи Ниёзматов бошқаларга намуна кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Суратда: Л. Ниёзматова.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ЯЙЛОВ БАҲОДИРЛАРИ

КЕЛЕСДАН ўтишингиз билан йўллар бепоян яйловлар сари етказиб кетади. Бу йўллар қардош Қозғистон даштларига тўтас яйловларда сўмоқларга айланади. Бу сўмоқлар бир-бири билан кетишади, акралади, яна тўташади, чирмашиб кетади, лекин йўқолмади. Бу йўллар сарҳод бағрида яшавтган инсонлардай боқий. Бир йўқолса, иккинчиси пайдо бўлади. Бирини ўт босса, иккинчиси тозаланеди...

Бу ерлардан бир вақтлар Фаробий ҳавл сурди ўтгандир, Балки Чигатой, Жўзининг даҳшатли қўшини кўчгандир, бу йўлдан ўзини Соҳибқирон деб атаган Темурнинг лашкари от қўйган Балки! Манави йўл Балки Россияга йўл солган қарован йўлидир. Ким биледи?! Буларга унсиз табиятнинг ўзингина шодид.

Бу йўллардан кўп ўтганман. Яқин-яқинларда ҳам у ер-бу ерда қаққайган тўрт-бешта уйда яй-

лов қўйидаги майда-майда қолхозларнинг чорвадорлари яшардилар. Емои яшамасдилар, йўқ яхши, тўқ бадавлат яшардилар. Лекин, бу йўллар тарқок эди. Отарлар кўл қўйидаги сониб юборилганлигиди, чорвадорларга маданий-мансий хизмат кўрсатиш қийинлашар, ўзаро тез-тез алоқа қилиш қийин, шу тўғрисида кўрсатишлар ҳам унчалик юқори эмас эди.

Кейинги йилларда ана шу колхозлар бирлаштирилиб, йирик қўйчилик давлат хўжалиги — Охунбобоев номи совхоз ташкил қилинди. Бунга кўп бўлгани йўқ. Лекин, ҳозир борсангиз, тамоман бошқа манзарани кўрасиз. Совхоз маркази ва унинг уч бўлимидаги қатор-қатор уйлар қўзни қувонтиради. Совхоз директори Аббосқўжа Бақирқўжаевни ана шу уйлاردан бирини учратдик. Суҳбатлашдик.

— Совхозимиз Келес массивидидаги қолоқ колхозлар замирида ташкил топганлигига қарамай, тезда ўзимизни ўнглаб олдик, — дейди у. — Фақатгина юбилей йилини оладиган бўлсак, пландан ташқари 170 миң сўм қўшимча фойда кўрдик. Қўзи олиш, жун қирқиш ҳамда йиллик гўшт тайёрлаш пландари ортин билан адо этилди. Бундан икки йил илгари зарар келтирган хўжалигимиз ўтган йили давлатга катта фойда келтирдик.

Бунга қандай қилиб эришилди? Бунинг асосий сабаби шунки, совхоз чорвадорлари давлатга гўшт учун топшириладиган қўйлар ва эчкиларнинг қўриқаси эллик беш килограмдан булғини таъминлашди. Ҳар бир қўйдан икки килограмм ўрнига икки ярим килограмдан жун қирқиб олинди. Қадрларни жой-жойига қўйиб ва мутахассислар билан бамаслаҳат иш олиб бориш натижасида яхши кўрсаткичларга эришилди.

Чорвадорлар билан ишлаш тўғрисида йўлга қўйилди. Моддий манфаатдорлик принципи асосида иш тутқаллиги тўғрисида шундай ютуқлар қўлга киритилди. Чўпонлар пландан ташқари қирқиб олинган жуннинг қирқ проценти ва қўзининг олтиш процентини нотира ёки пўл хисобида уларга муқофотга берилишини яхши билдилар. Улар гўшга топшириган қўйларнинг вази пландигидан

ортиқ бўлганини учун ҳам қўшимча ҳақ оладилар.

Ҳозир совхозда ишнинг кўзини биладиган, қўй-қўзиларнинг нобуд бўлишига сира йўл қўймайдиган чўпонлар кўп. Жўзимбек Янбусинов, Қўжон Шалабоев, Абдир Эралиев, Фаёзхон Бақирқўжаев, Сотмолхон Отаев, Тожибек Билолов сингари чўпонлар ана шулар жумласига кирди. Улар бултур парваршилардаги совлиқларнинг ҳар юзтадан 110—115 тадан қўзи олишга эришдилар. Гўшт учун топширилган қўйларнинг вазини 60—70 килограммгача етказган Бурдоқбойлардан Эштон Қалибов, Ашурога Кенжетоевлар қўйларнинг 80—90 процентини юқори сезималик даражасида бўлишини таъминламоқдалар. Натижасида бу ишдан чорвадорларнинг даромадлари бошқаларникидан кўп бўлади. Улар йилга уч-уч ярим миң сўм даромад қилишлари билан бирга ўн беш-ўн еттигадан қўзини муқофотга олмақдалар.

Ҳа, «Меҳнатдан келса боилки, турмушинг ҳам чиройлик» деганларидек, чўпонларнинг турмуши тобора фаровонлашапти. Хўжалик даромади ортгани санин ободончилик ишларига кўпроқ маблағ сарфлаш имконияти туғилди. Ҳозир барча бўлимлар орасига электр ўтказилган. Бежирим бинолар қурилган. Утган йилнинг ўзида ингирма бешта янги-ўй қурилди. Уларга совхоз мутахассис-

лари ва чорвадорлар кўчиб кирдилар. Чўпонлар турадиган уйларининг ҳаммаси замонавий уйлар. Ҳар бир хонадонга радио ва телевизор бор.

Илгирлари чорвадорларни мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш учун Тошкентдан маҳсулот олиб келинарди. Ҳозир эса совхознинг ўзида — Сирдарё бўйида қовун-тарвуз, бодринг, помидор, кертосжа экиб, чорвадорлар эхтиёжи қондириляпти.

— Чўпонларимизнинг меҳнатини энгиллаштириш учун чорвачиликдаги ишларни механизациялашга алоҳида эътибор бериляпти, — дейди суҳбатдошимиз биз билан айланиб юрар экан, — Қудуқлар...

Шу билан бирга чорвачилик биноларини қуришга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Қўйлар учун 17 та типовой кўра қурилди. Ҳар бир кўра қошида 200 тоннадан 400 тоннагача озуқа кетадиган оямбор бор.

Ҳозир совхозда 10 йиллик мактаб ишлаб турибди. Узоқ яйловлардаги чўпонларнинг 200 фарзан-

ди эса мактаб-интернатда таълим ва тарбия олапти.

... Яйлов кезамиз. Чўпонлар совхоз марказидаги замонавий жиҳозлар билан таъминланган касалхонадан ташқари ҳар бир бўлимда медицина пункти борлигини, ерларнинг отларга тез-тез чиқиб, чорвадорлар аҳолига хабар олиб туришларидан мамнун.

— Савдо хизматида келганимизда, Фозилхон Иброҳимов деган отахонимиз бор, — деди Аббосқўжа ака мўъжиза кирганимида. — Жуда ҳам ишчан киши. У ҳамшиша чорвадорларга нимаки зарур бўлса, шунини топиб келиш тавошу билан юради. Зарур бўлмаганда ташқари чўпонларнинг қимчин-ёзин ҳўл ва қуруқ меза, сабзавот билан таъминлаб турилади. Учқала бўлимида ҳам Мағларинлар бор. Бу ерда чорвадорларнинг асосий гаровларидан бири чорва учун мўл-кўл озуқа жамғариши. Ана шу борада ҳамда яйловларнинг унумдорлигини ошириш соҳасида хўжаликда қандай ишлар қилинапти? — ана шундай савол билан директорга мувожабат қилганимида, у қўйидагича жавоб берди:

— Биз бунга катта аҳамият бер-

Ш. ҲАЛИЛОВА.

СИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАНЛАР

Республика модалар уйининг моделлари турли либосларнинг янги-янги фасоналарини тайёрлаб чиқармоқда...



Малик Исроилон «зағори экран» телевизия ательесига радиотехник бўлиб ишлайди...



Содиқилдан қилинган меҳнат йилига бахт, обрў келтиради. Бундайларини халқ хурмат қилади...



И. Глауберсон фотолари.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДИЕНИЕ

27 ЯНВАРДА БИРИНЧИ ПРОГРАММА
Ўзбек тилида: 10.55 — Эшиттиришлар программаси...

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
Рус тилида: 16.55 — Эшиттиришлар программаси...

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
17.00 дан — Фрунзе кўрсатади.

28 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
Рус тилида: 10.55 — Эшиттиришлар программаси...

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
11.00 — Эваз эшиттиришлари программаси...

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
17.00 дан — Фрунзе кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОЙИ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРАДА — 27/1 да Шоир калби...

КЕНО

Шарҳ йўлаги — «ЎЗБЕКISTON», «ВОСТОК», «НАВОЙИ», номли кўнуду ва кечқурун...

СОЛДАТ ҚАЛБИ

ВАХОБЖОН босиб-босиб чекарди. Тутунлар гоҳ ўйчан кўзларини тўсиб...

«Ваҳоб ака! Уч ой деганда қўрай қўларидан ўт қақнари...

оқиб ҳақида ваъз айта бошлади. Шу тоғда панд-насихат қўлоққа кирармиди?

Аваллига юз тонна тердим. Келаси йили юз эллинка етказмоқчи эдим...

Инкаламиз Сайёралини бўлишиб олдик. Кейин жўнаб кетдим...



Сўнги поғонадан

УЛУГ ШОИР ЮБИЛЕЙИГА
ЛИНИИГА. Ўзбек халқининг улуг мутафаккири шоира Алишер Навоийнинг туғулганга 525 йил...

ОБОД ПОСЕЛКА

ОРЖОННИКИДЗЕ. Қиёрай посёлкаси йил сайин обод бўлмоқда...

МЕХАНИЗАТОРЛАР УЙИ

ОҚИРҒОН. Леани номига қишлоқ пралениеси механизаторлар ҳаётида катта ғамхўрлик кўрсатмоқда...

АҲОЛИ МАМНУИ

БЕКОВОД. Девриканский қишлоқ марказида «Ҳурмат» кафееси қуриб ишга туширилди...

СПОРТ ШИНАВАНДАЛАРИГА ТУҲФА

ЧИРИК. Каттич қўшимчалар ва ўтга чидамли металллар комбинатида спорт шинавандаларига жуда кўп...



ЎЗБЕКИСТОН ССР Фаввар илмий ходимлари мутафаккири Муҳаммад Қолиевнинг 15 йиллик таълим йилининг қўлини...

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ҲАЁТ ФОРМУЛАЛАРИ
Антиқа ЛИМОН
Кишиевани хирург Григорий Бронштейн кандидатнинг диссертациясини тайёрлар экан...

„ОЛИНГ УКА, ХАФА БЎЛАМАН“

Ана шу икки оғиз сўз меннинг дилимни кўндан бўён қитқилаб келар экан. Очинг шу илтифот тўғрисида...

БАЛИҚЧИЛАРГА ТОРТИК

НАЗАРБЕК. («ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ МУҲ. БИРИДАН). Калинин районидagi «Дамач» балиқчилик хўжалигининг маркази борган сари ободлашиб кўркам бўлмоқда...

Редактор А. ИСМОИЛОВ.